

Қуръони Карим 146-дарс. Қуръони Карим маънолари таржимаси унинг тафсиридек нарсадир



Қуръони Карим
ДАРСЛАРИ **146-дарс**

Қуръони Карим дарслари Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф роҳимаҳуллоҳнинг «Қуръон илмлари» китоби асосида бериб борилади. Мавзуларнинг тўлиқ матни билан танишиш учун китобнинг ўзига мурожаат этиш тавсия этилади.

18:00 / 20.07.2021 3233

Қуръони Карим таълимотларини, Ислом динини бутун дунёга тарқатиш масъулияти уламоларимизни Қуръони Карим маъноларини таржима қилиш масаласини қайта кўриб чиқишга мажбур қилди.

Авваллари айнан Қуръони Карим муҳофазаси йўлида, асл Қуръон қолиб, унинг маънолари таржимасига суяниб қолинмасин, таржималардаги ихтилофлар Қуръон ҳақидаги ихтилофларга олиб бормасин, одамлар таржимага суяниб, араб тилини ўрганмай қўймасин каби мулоҳазалар ила Қуръони Карим маънолари таржимасига расмий рухсат берилмаган эди.

Энди эса шароит тамоман ўзгарган эди. Аллоҳ таоло томонидан нозил этилган араб тилидаги асл Қуръон муҳофазаси собит бўлган эди. Одамларнинг маънолар таржимасига суяниб, асл матнни унутишлари хавфи ҳам кўтарилган эди. Араб тилини биладиган мусулмонлардан кўра у тилни билмайдиган мусулмонлар кўпайиб кетган эди. Уларнинг барчасига Қуръони Каримни тушунадиган даражада араб тилини ўргатиш қийинлиги ҳам аён бўлган эди.

Бунинг устига, дунёнинг мусулмон бўлмаган халқларини ҳам Исломга даъват қилиш керак эди. Энг муҳими, Қуръони Карим маъноларини

бошқалар нотўғри таржима қилиб, тарқатмоқда эдилар. Бу ўзига яраша катта хатар эди. Ана шу омилларни эътиборга олган уламоларимиз Қуръони Карим маъноларининг исломий таржимаси зарурлиги ҳақида фатво чиқардилар ва бундай таржима учун керакли шартларни ҳам баён қилдилар.

Мазкур шартлар «Қуръони Карим маънолари таржимаси унинг тафсириддек нарсадир», деган тушунча асосида қўйилгани учун биз юқорида зикр қилиб ўтган, тафсир ва тафсирчи учун қўйилган шартларнинг айнаи ўзи эди.

Шу билан бирга, маънолар таржимасига қўшимча шартлар ҳам қўйилди. Улардан баъзилари қуйидагилар:

1. Таржимон араб тилини ўта яхши билиши билан бирга, таржима қилинаётган тилни ҳам жуда яхши билиши шартлиги.
2. Таржимани «Қуръон таржимаси» эмас, балки «Қуръони Карим маънолари таржимаси» деб аташ ва тушуниш лозимлиги.

Чунки Қуръони Каримни айнан ўзидек таржима қилиш умуман иложи йўқ нарсадир. Нафақат таржима, балки араб тилида ҳам Қуръони Каримнинг комил матни у ёқда турсин, бирор оятига ўхшаш матнни келтириш ҳам амримаҳол экани собит ҳақиқатдир.

3. Мазкур маънолар таржимасидан фақат Қуръони Карим маъноларини тушунишда ёрдамчи сифатида фойдаланиш мумкинлиги. У маънолар таржимасини ибодатда қироат қилиш, улардан ҳукм чиқаришга ҳаракат қилиш, таржималар атрофида ихтилофлар қилиш мутлақо мумкин эмаслиги.

4. Қуръони Карим маънолари таржимасини ёзганда, албатта, арабча оятлар билан бирга ёзиш шарт. Биринчидан, бунда асл матннинг қудусияти балқиб туради. Қолаверса, таржиманинг аниқлигини ҳар доим текшириш имкони бўлади.

(Тамом)

«Қуръон илмлари» китоби асосида тайёрланди